



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2023

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyachesloavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Боймуродов Ботир Панжи ўғли НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	5
2. Султанова Сабохат Алишеровна О НЕКОТОРЫХ ТЕНДЕНЦИЯХ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	13
3. Ли Адик Александрович НАЛОГОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЕЕ ПРИНЦИПЫ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	21
4. Safojeva Sadoqat Musoyevna IJTIMOIY TARMOQDA SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARDAGI MUVOZANATNI TA'MINLASH: FUQAROLIK QONUNCHILIGINI TAKOMILLARISH BO'YICHA TAVSIYALAR.....	32
5. Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich QIMOR VA TAVAKKALCHILIKKA ASOSLANGAN BOSHQA O'YINLARNI TASHKIL ETISH HAMDA O'TKAZISHNING IJTIMOY XAVFLILIGI.....	41
6. Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li JINOYAT KODEKSI MAXSUS QISMIDA NAZARDA TUTILGAN JINOYAT BELGILARIGA NISBATAN XATO QILINGANDA QILMISHNI KVALIFIKATSIYA QILISH.....	49
7. Mamajanov Abrorbek Mirabdullayevich SHEKLANGAN AQLI RASOLIKNING YURIDIK MEZONI.....	58
8. Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна, Хамракулов Умиджон Шарабидинович КИБЕРЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУ БОРАДАГИ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	65
9. Sunnatov Vohid Toshmurodovich AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI O'TASH BILAN BOG'LIQ XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI TAHLILI.....	73
10. Тошниёзов Сардор Уралбаевич КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	80
11. Азходжаева Роза Алтыновна РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ МЕДИКО-САНИТАРНЫХ НОРМ В РЕГУЛИРОВАНИИ ВОПРОСОВ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ.....	87
12. Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	95




12.00.11-ПАРЛАМЕНТСКОЕ ПРАВО

Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли,
Тошкент давлат юридик университети доценти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
E-mail: x.turdiev@tsul.uz

ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Turdiev Khayitjon Usmonkul ugli. CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASIS OF THE INSTITUTE PARLIAMENTARY INVESTIGATION. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 9, pp. 95-103

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8312595>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хорижий демократик давлатлар қонунчилигида эътироф этилган парламент текшируви институтининг мазмун ва моҳияти масалалари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган парламент текшируви ҳуқуқий асослари баён этилган. Мақолада парламент текшируви бўйича комиссия фаолияти, унинг ваколатлари ва текширув олиб бориш тартиби ҳамда якуни бўйича кўриладиган чоралар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда амалиётида парламент назоратида парламент текширувининг ўрни ҳамда уни амалга ошириш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари каби масалалар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: парламент, ҳукумат, парламент назорати, ҳукуматнинг жавобгарлиги, парламент текшируви, парламент тергови, интерpellация.

Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли,
Доцент Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам
E-mail: x.turdiev@tsul.uz

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА ИНСТИТУТА ПАРЛАМЕНТСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается содержание и природа института парламентского расследования, признанного в законодательстве зарубежных демократий. Также описаны правовые основы парламентского запроса, заложенные в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, принятой на референдуме Республики Узбекистан. В статье анализируется деятельность комиссии по парламентскому расследованию, ее полномочия, порядок проведения расследования и меры, которые необходимо принять по его окончании.

При этом обсуждались такие вопросы, как роль парламентского контроля в практике зарубежных стран, порядок его осуществления, правовая основа.

Ключевые слова: парламент, правительство, парламентский контроль, ответственность правительства, парламентское расследование, интерpellация.

Turdiyev Khayitjon Usmonkul ugli,

Associate professor of Tashkent State University of Law,

PhD in Law.

E-mail: x.turdiyev@tsul.uz

CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASIS OF THE INSTITUTE OF PARLIAMENTARY INVESTIGATION

ANNOTATION

This article describes the content and nature of the institution of parliamentary investigation recognized in the legislation of foreign democratic states. Also, described the legal basis of the parliamentary inquiry established in the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, adopted in the referendum of the Republic of Uzbekistan. The article analyzes the activities of the commission on parliamentary investigation, its powers, the procedure for conducting the investigation, and the measures to be taken at the end. At the same time, issues such as the role of parliamentary control in the practice of foreign countries, the procedure for its implementation, and its legal basis were discussed.

Keywords: parliament, government, parliamentary control, government accountability, parliamentary investigation, parliamentary inquiry, interpellation

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли ошди, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ваколатлари янада кучайтирилди.

Бугунги кунда Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ривожланмоқда. Олий Мажлис палаталарининг уларнинг ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлик нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш шулар жумласидандир.

Парламент назорати ижро ҳокимиятининг қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятида ўзига хос аҳамият касб этади. Парламент назорати турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Дунё мамлакатлари амалиётида парламент текшируви институти парламент назоратининг энг таъсирчан усулларида бири ҳисобланади.

Т.Хабриеванинг фикрича, парламент назоратини амалга ошириш асослари чоралари, тартиблари ва шакллари қонун билан белгилаб қўйиладиган, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини текшириш мақсадидаги давлат ҳокимияти органлари мувозанатини таъминловчи ва чекловлар ва қарама-қаршиликлар тизимининг ҳуқуқий элементи дир [1, Б.224].

А.Х.Саидовнинг фикрича, парламент назоратида муҳим жиҳат ижро ҳокимияти фаолиятида аниқланган бўшлиқлар ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишдан иборат [2, Б.185]. А.Д.Керимовнинг фикрича, парламент назорати аввало маъмуриятнинг давлатдаги ҳокимияти амалда бутунлай, чекланмаган тарзда эгаллаб олишиги, демократик институтлар фаолияти йўққа чиқариб юборилишига йўл қўймаслик учун зарурдир [3, Б.9]. Б.Страшун ва В.Рыжовнинг фикрига кўра, парламент назорати институти объекти сифатида кўп ҳолатда ижро ҳокимияти майдонга чиқади. Айрим вазиятларда парламент назорати давлат раҳбари, суд ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Парламент

назорати институти ҳукуматга нисбатан сиёсий, бошқа давлат органларига эса ҳуқуқий жиҳатдан амалга оширилади [4, Б.12].

Юқорида келтирилган таърифларда парламент назоратининг давлат ҳокимиятидаги ўрни ва роли ҳамда мазмуни акс этган. Кўриниб турибдики, парламент назоратининг асосий объекти ижро ҳокимиятининг фаолияти саналади. Қонун чиқарувчи ҳокимият қонунлар ижросини назорат қилмаса, улар қоғозда қолиб кетаверади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 2014 йилда киритилган илк мартаба “парламент назорати” тушунчаси мустаҳкамланиши 2016 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасида парламент назоратининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: конституция ва қонунлар, парламент қарорлари ҳамда давлат бошлиғи қарорлари юзасидан давлат дастурларини ижро этиш юзасидан; инсон ҳуқуқлари ва эркинларига риоя қилиш бўйича; мудофаа ва хавфсизлик бўйича; давлат бюджети ижроси юзасидан; давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларини шакллантириш юзасидан назорат; ташқи сиёсий фаолият юзасидан назорат.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Олий Мажлиснинг назорат ваколатлари кейгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатларини кенгайтириш ва парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш бўйича таклифлар **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида** илгари сурилган.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги **5 тадан 12 тага** кўпайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси халқ томонидан сайланган депутатлардан иборат олий вакиллик органи бўлиб, доимий фаолият юритувчи қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи ҳисобланади. Қонунчилик палатаси Конституцияга мувофиқ, ўзининг мутлақ ваколатларига эга бўлиб, унинг парламент назорат функциялари ва ваколатлари ўзига хос аҳамиятга эга.

Шу боисдан, Янги таҳрирдаги Конституциямизда Қонунчилик палатасининг ижро ҳокимияти – Ҳукумат фаолияти устидан назорат ваколатлари мутлақ ваколатлари кенгайтирилди.

Ушбу ўзгаришлар халқ ҳокимиятчилигининг белгиси сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштиришга, халқ вакиллари олдида жамиятимиздаги энг муҳим муаммолар юзасидан масъул раҳбарларнинг парламентга тушунтириш беришига ва таъсирчан парламент назорати орқали самарали ижро ҳокимияти фаолиятини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида белгиланган Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларининг асосий қисми ижро ҳокимияти устидан назорат функциялари таъминлашга қаратилган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Олий Мажлиснинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ваколатлари янада кенгайтирилди. Қуйидиги ваколатлар шулар жумласидан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича ҳар йилги маърузасини эшитиш;
- давлат органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шакллари амалга ошириш.

Парламент текшируви парламент томонидан давлат ва жамият аҳамиятидаги салбий ҳолатларни ўрганиш, уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида махсус комиссия ёки кўмиталар тузиш йўли билан ўтказилади.

“Парламент назорати тўғрисида”ги қонунда Олий Мажлис палаталарига мустақил равишда парламент текшируви комиссиясини тузиш ва уни ўтказиш ваколати берилган. Унга кўра, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, Олий Мажлис палаталари «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда мустақамлаб кўйилган парламент текшируви институтидан самарали фойдаланиш механизми етарли даражада яратилмаган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг парламент назорати билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишдаги энг самарали институтлардан бири бу – парламент текширувидир. Мамлакатда ички ҳисобдорлик тизимини таъминлашда ҳам парламент текшируви муҳим рол ўйнайди.

Шу боисдан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 93-моддасида парламент назоратининг энг муҳим шаклларида бири сифатида **парламент текширувини ўтказиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларида мустақамланди.**

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 103-моддасида **мамлакатнинг хавфсизлиги, барқарор ривожланиши асосларига салбий таъсир кўрсатишга қодир бўлган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ва воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкинлиги** белгиланди.

Парламент текшируви самарадорлигини ошириш, ушбу текширувни ўтказишга парламент иккала палатасининг жалб этилиши ва иштирокини таъминлаш мақсадида парламент текширувлари фақат қўшма шаклда ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Парламент текшируви мазмунан давлатнинг ваколатли органлари томонидан олиб бориладиган тергов фаолиятдан сезиларли фарқ қилади. Текширув жараёнида парламент жиноий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган қарорлар қабул қила олмайди, фақат қонун бузилиши ҳолатларини қайд этиши ва материалларни ваколатли тузилмаларга топшириши мумкин, бунда тергов органлари зарурат туғилганда тўлақонли тергов ўтказишлари шарт бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ушбу институтдан самарали фойдаланиш парламент назоратининг энг кучли воситасини эканлигини кўрсатади. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Германия, Бразилия, Туркия каби мамлакатлар парламентлари томонидан парламент текшируви институти самарали қўлланилмоқда.

Масалан, Германия Асосий қонунининг 44-моддасига кўра, Бундестаг тергов кўмитасини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиб, мазкур кўмита очиқ мажлисларда зарур далилларни тўплайди. Судлар ва бошқарув органлари ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари шартлиги белгиланган. Парламент текшируви фаолияти парламентда жамият аҳамиятидаги ҳуқуқбузарликни фош қилиш учун махсус комиссиялар тузиш йўли билан ўтказилади. Германияда Бундестаг ва унинг комиссиялари Федерал ҳукуматнинг исталган аъзоси уларнинг мажлисларида иштирок этишини талаб қилиши мумкин. Бундесрат ва Федерал ҳукумат аъзолари, шунингдек уларнинг ваколатли шахслари Бундестагнинг ва унинг комиссиясининг барча мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Улар исталган вақтда эшитилиши мумкин (Конституциянинг 43-моддаси).

АҚШ Конгресси парламент тергови бўйича махсус кўмиталарга эга бўлиб, уларда ҳар қандай шахс ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ваколати мавжуд.

Замонавий давлатларда парламентнинг ҳукумат устидан назорат қилишининг усуллари куйидагилардан иборат: ишончсизлик вотуми, интерпелляция [5], оғзаки ва ёзма сўровлар,

парламент тергови. Бугунги кунда парламент текшируви (аксарият давлатларда парламент тергови шаклида ифода этилади) дунёнинг тараккий этган мамлакатларида турли хил кўринишда мавжуд бўлиб, жамият ҳаётининг энг муҳим манфаатларига алоқадор, мамлакат хавфсизлигига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида парламентнинг қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин. Парламент текшируви парламент назоратининг энг жиддий шаклларида бири ҳисобланади. Халқаро тажрибада бундай текширувлар “анкета”лар деб, парламент текшируви ҳуқуқи – “анкета ҳуқуқи” аталади [6, Б.112]. Парламент текшируви институти кўплаб мамлакатларда умуммиллий ва регионал даражада ривожланган [7, Б.61].

Россиялик ҳуқуқшунос олим Э.М.Якимованинг фикрича, парламент текширувлари парламент назоратининг шаклини тури сифатида белгиланган тартибда ташкил этилган, парламентнинг махсус муваққат комиссиялари томонидан амалга ошириладиган ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти, табиий ва техноген офатлар ва уларнинг оқибатлари, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўпол ёки оммавий равишда бузиш фактларини текширишга қаратилади [8, Б.26-29].

К.Сурковнинг фикрича, парламент текшируви “парламент ишининг бир тури бўлиб, у маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёни сиёсатни умумлаштириш ва қабул қилиш учун бошланғич манба бўлиб хизмат қилади. [9, Б.69].

Баъзи давлатларда парламент текширувига оид алоҳида қонун ва парламент актлари қабул қилинган. Масалан, Россия Федерациясида парламент текшируви институти “Россия Федерацияси Федерал мажлисининг парламент текшируви тўғрисида”ги Федерал қонуни билан тартибга солинган. Парламент текшируви содир бўлган қонун бузилиш ҳолатларини очиқ беради. Парламентга жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш оқибатларига олиб келган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига салбий таъсир кўрсатган мансабдор шахсларни ишдан бўшатиш ташаббуси билан чиқиш ваколати берилган. Ушбу институт томонидан қабул қилинган қарор Федерал давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари қатори бош прокурорга юборилади [10].

Австриянинг парламент тизимида тергов қўмиталари энг кенг қамровли сиёсий назорат воситалари ҳисобланади. Парламент тергов қўмиталари ёрдамида парламент аъзолари ҳукумат фаолияти ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишлари мумкин. Ҳукуматнинг фаолиятдан келиб чиқадиган шубҳали ҳолатлар жамоатчилик эътиборига тушганда зарур. 2015 йилда Австрия Миллий Кенгашидаги тергов қўмиталарининг ислоҳоти биринчи марта озчиликка тергов қўмитасини тузиш ҳуқуқига эга бўлиш имконини берди. Австрияда бу борада Германия тажрибасини жорий қилди [11, Б.1-2].

Арманистон Конституциясининг 108-моддасига мувофиқ Миллий Мажлиснинг тергов комиссиялари Миллий Мажлис ваколатларига кирадиган масалаларга тааллуқли бўлган ҳамда жамоатчилик манфаатини ифодаладиган фактларни белгилаш мақсадида депутатлар умумий сонининг камида тўртдан бир қисмининг талабига кўра ташкил этилади.

Тергов комиссиясидаги ўринлар фракцияларга киритилган депутатларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Тергов комиссияси аъзоларининг сонини Миллий Мажлис белгилайди. Тергов комиссиясида талабни тақдим этган депутатлардан бири раислик қилади.

Парламент текшируви институти конституциявий даражада мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига ва инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига даҳл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш орқали Олий Мажлис палаталарининг парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Парламент текшируви бўйича комиссия фаолияти, ваколати ва текширув олиб бориш тартиби ва яқуни бўйича кўриладиган чоралар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Конституцияда мустаҳкамланган ушбу норма билан парламентга давлат ва жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган энг долзарб масалаларни ўрганиш мақсадида текширув ўтказиш ваколатининг берилиши, халқ вакиллари томонидан нафақат назорат қилинадиган субъектлар

фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки уларнинг юзага келиш сабабларини бартараф этишга имкон беради.

Парламент текшируви институтининг конституциявий асосларининг такомиллаштирилиши махсус қонун ҳужжатларида ўзгартишларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги ПФ–5635-сон Фармонида парламент текшируви институтидан фойдаланиш орқали Олий Мажлис палаталарининг парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш назарда тутилган эди. Бирок, ўтган давр мобайнида ушбу усулдан самарали фойдаланилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунида парламент текшируви тушунчаси қўлланилган. Бизга маълумки, “текширув” сўзи “ўрганиш” ва “тафтиш” маъноларини англатади. Изоҳли луғатларда “суриштирув” сўзи маълум ҳолат бўйича “бутун тафсилоти билан билиб олиш”, “тагига етиш учун сўроқлаш”, “аниқлаш” маъноларини англатади. Суриштирув – ишларни тергов қилишнинг дастлабки даври ҳисобланиб, айнан шу босқичда “парламент муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганади” ҳамда тўпланган маълумотларни ваколатли тергов тузилмаларига топширади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибасини инобатга олиб, парламент текшируви иборасини ўзгартирган ҳолда парламент суриштируви шаклида бериш мазмунан бир ҳилликни таъминлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунида парламент текширувини кўзғатиш жараёнининг асосини ва тартибини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Парламент текширувига асос бўлувчи Конституция билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол равишда бузиш фактлари мавжуд бўлган ҳолатда, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактлар ёки воқеалар мавжуд бўлганда, табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд бўлганда Олий Мажлис Сенати аъзолари ёки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг тўртдан бир қисми томонидан Сенат раисига ёки Қонунчилик палатаси Спикерига парламент текширувини кўзғатиш ташаббуси ҳуқуқи ҳақидаги қоида ҳамда парламент текширувини кўзғатиш асосларини қонунга киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда, парламент текширувини ўтказишнинг аниқ муддатини белгиланилиши ҳокимиятлар бўлинишининг умумий назариясига мос бўлиб, текширув комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида фаолият олиб бориши ҳамда ўз-ўзидан янги сайланган парламентда ушбу комиссиялар фаолияти тугатилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасида парламент текширувини кўзғатиш учун қуйидаги асосларни мустаҳкамлаш таклиф этилади:

«Ўзбекистон Республикаси Конституция билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол равишда бузиш фактлари мавжуд бўлган ҳолатда;

мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактлар ёки воқеалар мавжуд бўлганда;

табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ ҳолатларда».

Кўриниб турбидики, мамлатимизда парламент назоратининг асосий йўналишларини такомиллаштиришда парламент назоратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаш мақсадида парламент назорати фаолиятининг принципларни белгилаш, парламент назоратини амалга ошириш кафолатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш лозим.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда парламент текширув комиссиясининг қарори юридик табиати ва кучи, унинг оқибатларини аниқлаштириш мақсадида Комиссия қарорида парламент текшируви ўтказилишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш

мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда мансабдор шахсларни лавозимидан озод этиш ва бошқа масалалар бўйича таклифлар акс этиши лозимлиги белгиланиши лозим.

Истикболда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг “Парламент текширувини ўтказиш тартиби”ни ишлаб чиқиш, унда парламент текширувини қўзғатиш ташаббуси ва тартиби, муддати, парламент текширув комиссиясининг ҳулосаси ва қарори, натижалари ўз ифодасини топиши ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Основы парламентского права / под ред. Т.Я. Хабриевой. – М.: Издательство Государственной Думы, 2006. – (Fundamentals of parliamentary law / ed. T.Ya. Khabrieva Moscow: State Duma Publishing House, 2006) p. 224.
2. А.К.Саидов Теории парламентского контроля / Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари. (А.К. Saidov Theory of parliamentary control. Materials of the scientific-practical seminar). Т., 2005. – п. 185.
3. Ш.Зулфиқоров Ўзбекистонда парламент назорати шаклларида самарали фойдаданиш тартибининг ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили 2019, (Sh. Zulfiqorov Legal aspects of the effective use of forms of parliamentary control in Uzbekistan) review of the legislation of Uzbekistan 2019№2, – p. 9).
4. Гусева Д. Современные институты парламентского контроля европейских государств (Германия, Франция, Великобритания, Россия) // ПолитБук – 2016 – № 3 (Guseva D. Modern institutions of parliamentary control of European states (Germany, France, Great Britain, Russia) // PolitBook - 2016 - No. 3) // file:///C:/Users/Pc/Downloads/sovremennye-instituty-parlamentskogo-kontrolya-evropeyskih-gosudarstv-germaniya-frantsiya-velikobritaniya-rossiya.pdf. – p.12.
5. Интерпелляция – хорижий мамлакатлар қонунчилигида парламент сўровларининг бир тури бўлиб, интерпелляция парламент муҳокамасида интерпелляция предмети бўйича тегишли ҳокимият органи раҳбарининг шахсан сўзга чиқиши, қўшимча саволлар бериш имкониятининг мавжудлиги, депутат музокаралари ўтказилиши, агарда салбий баҳо берилса, конституциявий (сиёсий) жавобгарликнинг мавжудлиги каби белгиларга эга. (Interpellation is a type of parliamentary inquiry in the legislation of foreign countries. Interpellation is characterized by the presence of the head of the relevant authority on the subject of the interpellation in person, the possibility of asking additional questions, the holding of parliamentary negotiations, and the presence of constitutional (political) responsibility in the event of a negative assessment. have)
6. Конституционное (государственное) право зарубежных стран / Под ред. Б.В.Страшуна М., 2000, – С. 534. (Constitutional (state) law of foreign countries / Ed. B.V. Strashuna M., 2000, - P. 534.)
7. Е.Якимова Институт парламентских расследований: общее и особенное в практике России и зарубежных стран. Siberian Legal Bulletin, No. 2 (29), 2006, - С. 61 (E.Yakimova Institute of Parliamentary Investigations: General and Special in the Practice of Russia and Foreign Countries. Siberian Legal Bulletin, no. 2 (29), 2006, - P. 61).
8. Якимова Е. М. Становление института парламентских расследований в Российской Федерации // Вопросы конституционного права, 2005. С. 26-29 (Yakimova E. M. Formation of the Institute of Parliamentary Investigations in the Russian Federation // Issues of Constitutional Law, 2005. P. 26-29).
9. Сурков К., Кваша Ю. Ф. Парламентское расследование // Юридический мир, 2005, № 1. С. 68–71 (Surkov K., Kvasha Yu. F. Parliamentary investigation // Legal world, 2005, No. 1. P. 68–71).

10. Парламент текшируви ва амалий таклифлар (Parliamentary scrutiny and practical proposals) // <https://adolat24.uz/?p=23082>
11. Political Control and Parliamentary Committees of Inquiry: Strengthening the Quality of Democracy // <https://link.springer.com/article/10.1007/s13132-021-00883-x/metrics>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000